

## НУТҚИЙ ЭТИКЕТНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ЖИҲАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568516>



ELSEVIER



Received: 22-01-2023  
Accepted: 22-01-2023  
Published: 22-01-2023

**Жабборова Ҳамида Акрамовна**

Қарши давлат Университети  
Инглиз тили методикаси кафедраси  
, ўқитувчи



Abstract:  
Keywords:

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Миллат тилининг намунавий кўриниши ҳисобланган газета тили тадқиқида лингвомаданий омилнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, ўзбек ва испан медиаматнларида дунёнинг лисоний ва ахборий манзаралари жамланадики, бу, ўз навбатида, муайян мамлакат ёки маданиятга хос мунтазам мавзуй қисмлар тўшламида намоён бўлади.

Муайян маданият доирасида нутқий этикет назарияси ижтимоий ҳаракатларнинг вазият, ҳудуд ва мулоқотнинг ким томонидан амалга оширилишига қараб лингвистик қурилмалардан фойдаланишини тахмин қилади. Бошқа тиллар каби ўзбек тилида ҳам нутқий этикет формуллари яъни ҳурмат маъносини ифловчи восиларнинг тузилиши, вазифаси, семантик хусусиятлари ва қўллаш жиҳатларининг таҳлили лисоний ва нутқий воситаларга эга бўлган нафақат ижтимоий-ижобий субъектив маъно эканлиги балки маданий мазмун моҳити нутқтаи назаридан қаралади.

Ушбу тадқиқотнинг асосий эътибори радио мулоқотда хушмуомалалик меъёрларига нисбатан фарқланишига ва воқеаланишига қаратилган. Зеро, «маданиятлар шахслараро маконнинг тегишли миқдори («худудийлик») бўйича стандартларда фарқланганидек, хушмуомалалик «психологик макон» га мос келади ва бу ерда маданиятлар ҳам дифференциал меъёрларга эга» [1;223]. Албатта, бу ҳурмат маъносини асосий категорияси сифатида нутқий этикет формуллари ташкил қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тилларда нутқий этикет формуласи ижтимоий лисоний ҳодиса сифатида қаралади ҳамда ўз лексик грамматик воситаларига ва ифодаланиш усулларига эга.

Нутқи йэтикет формуллари қўлланилишида ижтимоий омил билан бирга лингвокультурологик омиллар муҳим ўрин тутди.

Лингвокультурология борасида олимларнинг фикрига таянамиз. «...мамлакатга оид маданий компонентлар (маданий компонентга эга сўзлар) – бу маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини намоён қилувчи семантика ҳисобланади» [3;116].

«Бир-биридан фарқ қиладиган турфа йўналишларнинг мавжуд бўлишига қарамай, замонавий лингвокультурологиянинг предмети икки хил код бўлган тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирида шаклланадиган лисоний белгиларнинг маданий семантикасини ўрганишдан иборат. Чунончи, ҳар бир лисоний шахс айна пайтда маданий шахс ҳамдир. Шунинг учун лисоний белгилар маданият «тили» функциясини бажариш имкониятига эга. Маданият «тили» тил эгасининг маданий-миллий менталлигини лисоний қобилятда акс этишини ифодалайди. Бу ўринда барча лисоний меъёрларга риоя қилинган ҳолатларда ҳам «маданий тўсиқ»нинг юзага чиқишини таъкидлаш жоиз», – деб ёзади [8;33].

Н.Г.Комлевнинг таъкидлашича, «Лексик маъно маданий компонент билан бирга келади. Сўзнинг қандайдир ички таркиби мавжудлигини, яъни сўз-белги ўзидан ташқари қандайдир тушунчани англатишини тан олиш билан бир қаторда, сўз таркибидаги маданий компонент индивиднинг маданий муҳитига боғлиқлигини ҳам тан олишимиз шарт» [3;116].

Англашиладики, маънонинг миллий-маданий таркибий бирлиги (А.С. Мамонтов), маданий-тарихий таркибий бирлик (В.В. Ошепкова), муқобилсиз лексика, фон лексикаси ва коннотатив лексика ҳақида гап кетганда, аввало, миллий-маданий семали умумистеъмол бирликлари назарда тутилади, терминларда ҳам кузатилувчи бу белги ҳақида деярли сўз очилмайди.

С.В.Иванова лексик бирликларга хос лингвомаданий белги деганда халқ ҳаёти, анъаналари, урф-одатлари, тарихининг тилда ифодаланиши тушунилишини қайд этади [7;6]. Бу жиҳатдан ёндашганда, тасвирий санъат ҳамда дизайн соҳаси терминларида ҳам халқ урф-одатлари, анъаналарининг акс этиши уларда миллий-маданий белгининг мавжудлиги ҳақида гапириш учун асос бўла олади.

В.А.Иконникованинг терминологик бирликларнинг маданий компоненти ҳақидаги таълимотига кўра маданий компонентга эга терминологик бирликлар сифатида жамиятнинг тарихий-худудий кадриятлари, тасаввурлари, хусусиятлари ва маданий қарашларини қамраб олувчи [5;11] ҳамда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишини белгиловчи янги авлоднинг ижтимоийлашуви институтлари хусусиятларини акс эттирувчи лексик бирликлар тушунилади [6;149].

Лексик бирликлар, хусусан, нуткий этикет формулалари лингвомаданий ёндашув ўз табиатига кўра дескриптив ҳисобланади, у ёки бу ўрганилаётган ҳар бир ҳодиса аксиоматик тарзда маданий жиҳатдан муҳим саналади. Шу боис, нуткий этикет формулаларини миллий-маданийлик хусусиятини ўрганишда радио материалларига мурожаат қилиниши масаланинг моҳиятини янада теран англаб етишда муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, нуткий этикет формулаларини нутқда қўллаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу унинг ижтимоий омиллар билан боғлиқдир. Зеро, ижтимоий омилнинг асосий белгиси нутқ жараёнидир. Бу нутқ иштирокчиси(касби, ёши, жинси, ижтимоий мавқеи ва ҳ.к.)нинг ўз олдига қўйган мақсади ва берилаётган маълумот, ахборотни қай тарзда етказиши билан ҳам белгиланади. Нуткий этикетга назариясига қизиқиш ва ижтимоий ва маданий ўлчовни тан олиш билан иккинчи тилни ўрганиш билан боғлаш учун кўпроқ тадқиқотлар ўтказиш кераклигини кўрсатади.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Hall, E. T. The hidden dimension. New York: Doubleday.- 1966
2. Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: дисс. ... к. филол. н. –Уфа, 2003. – С. 6-7.
3. Комлев Н. Г. Компоненты содержательной структуры слова. М., 1969. – С.116.
4. Ощепкова В. В. Язык и культура Великобритании, США, Канады, Австралии, Новой Зеландии. – М.; СПб., 2004. – С. 95-96.
5. Иконникова В.А. Возникновение и развитие культурного компонента в англоязычной юридической терминологии (на материале терминосистем Англии, Шотландии, США). – М.: МПГУ, 2014. – С.11. 496 с.
6. Иконникова В.А., Цверкун Ю.Б. Особенности терминологических единиц с культурным компонентом значения (на материале лексики сферы образования) // Терминология и знание: материалы V Международного симпозиума (г. Москва, 3-5 июня 2016 г.) / отв. ред. С.Д.Шелов. – М., 2017. – С.135. 132-149.
7. Томахин Г. Д. Америка через американизмы. М.: Высш. школа, 1982. – С.15.
8. Усманова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019.– С. 33.